

ОИЛАДА БОЛАЛАРНИНГ ЛИДЕРЛИК СИФАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ

**Бобокулова М.Н. (СамДАКИ),
Раджабова Ф.Р. Педагогика мутахассислиги 1-босқич магистранти
(СамДУ)**

Мақолада бола тарбиясида оиланинг ўрни нақадар юқори эканлиги ва болани эркин ва янгича фикрлайдиган интилувчан ташаббускорлик, лидерлик сифатларини тарбиялаш ҳақида фикр юритилган.

Инсон оилада дунёга келар экан, унинг жамиятдаги ўрнини топиш учун барча сифатларини тарбияловчи макон бу оила муҳити ҳисобланади.

Фарзандини тарбиялаш биринчи навбатда ота-онанинг энг муҳим инсоний бурчидир.

Эркин ва янгича фикрлайдиган, мустақил нуқтаи-назарга эга, сермулоҳаза бўлган фарзандларни тарбиялаш уларнинг ташаббускор, ташкилотчи, топқир, қатбиятли, дадил бўлишлари оилавий тарбиянинг қай даражада ташкил қилинганлигига боғлиқдир.

Демак, оилада болаларни эркин фикрлаш, кенг дунёқараш, ўз фикрларини мустақил билдира олиш қобилиятларини шакллантириш керак.

Чунки мустақиллик шахс қиёфасини белгиловчи муҳим психологик хусусиятдир.

Болада мустақиллик шакллантирилган бўлса унда ўзига ишонч ҳам бўлади. Боланинг ўзига ишончи – порлоқ келажакка қўйилган биринчи қадамдир (ўзига ишонч, албатта, бу ерда ижобий маънода, бу тушунча ўзига юқори баҳо бериш деб тушунилмаслиги керак).

Боладаги мустақиллик ва ўзига ишонч ўзига талабчанликни кучайтиради. Бола ўсиб-ривожланиб борар экан, унга қўйиладиган талабларнинг кўлами кенгайиб боради. Бу талаблар доирасида, албатта ўз-ўзига субъектив бўлган талабчанлик ҳам ётади.

Оилада тарбиячилар (ота-оналар, опа-акалар, бобо-бувилар ва ҳ.к.) боладаги қобилиятларни шакллантирувчи ва ривожлантирувчи бош тарбиячилардир. Улар буни илғаб, ижобий томонга ўз вақтида йўналтиришлари лозимдир.

Бундай тизимга солиб олиб бориладиган тарбия болада лидерлик сифатларини шакллантириш каби муҳим фаолиятга асос бўла олади.

Лидерлик сифатини шакллантиришда ота-оналар албатта, психологик-педагогик билимларга эга бўлишлари, яъни фарзандининг индивидуал-типологик хусусиятларини, темпераменти, қобилиятларини яхши билишлари керак.

Лидерлик сифатларини холерик ва флегматик темпераментга хос бўлган болаларда шакллантириш осонроқ кечади. Чунки холерик темпераментидаги боланинг атрофдаги воқеаларга реакцияси тезкор, шиддат билан кечади, улар тезда қарор қабул қилишади, масала моҳиятини тезлик билан тушунишади ва ҳал қила олади. Холерик тез жаҳл қилади ва тезда жаҳлидан тушади. Тарихдан

маълумки, кўпгина лидерлик қобилиятига эга буюк йўлбошчилар холирик темпераментига хос бўлганлар, шу билан бирга ораторлик қобилияти ҳам лидерларнинг энг яхши қуролларидан биридир.

Флегматик – мулоҳазакор, ўз нуқтаи-назарига эга, мустақил фикрловчи шахсдир. Шунинг учун ҳам у гуруҳ аъзоларининг ҳурматини қозона олади, шу сабабли кўплаб гуруҳ аъзолари унинг ортидан эргашади.

Лидерлик сифатини шакллантириш жамият учун муҳим ҳисобланади. Ўз фаолиятини бошқара олиш қобилияти лидерга хосдир. Ўзининг ва бошқаларнинг фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда бошқариш муҳим педагогик-психологик хусусиятдир. Мақсадни қўя билиш – келажакка интилувчанликнинг муҳим белгиси, шахснинг камол топганлик мезонидир. Бу мураккаб руҳий жараёнда, боланинг ўз диққатини самарали бошқариш, унинг фақат муҳим ва керакли нарсаларга йўллай билиш, вақтдан унумли фойдаланиш, шиддаткорлик, назорат қила олиш каби кўникмалар пайдо бўлади.

Болада лидерлик сифатини шакллантириш билан бирга унда интеллектуал заковатнинг маълум нормасини ҳам сингдириш муҳимдир. Лидер бола, авваламбор, жамоада ривожланади (мактабгача таълим муассасаси, мактаб, спорт тўғараклари, фан тўғараклари, техник клублар ва ҳ.к.). Бу жамоалар психологик тўсиқларни енгиб ўтиш учун синов майдони ҳисобланади ва бу жамоаларда бола ўзини эркин ҳис қилади, коммуникативлиги (ўзаро алоқага киришувчанлиги) янада ошади.

Америрикалик тадқиқотчи Линда Джуэлл ўзининг тадқиқотларида ижтимоий психологик ҳодиса бўлган лидерликка ўзига хос ёндошган. Унинг фикрича лидернинг асосий вазифаси – гуруҳнинг самарали фаолият кўрсатиш йўллариини белгилаб боришдир.

Лидер сўзи ўзбек тилида “**етакчи**” деган маънони билдиради. Демак, лидер-етакчи шахснинг гуруҳга муносабатини ифодалайди ва унинг аъзоларига таъсир ўтказиб, мақсад сари етаклайди. Лидернинг яна бир муҳим сифати муаммоли вазиятларда топқирлиги, ташаббускорлигидир. Шу ўринда савол тўғилади, лидерлик хусусияти ундаги психологик жараёнми ёки педагогик? Лидерлик-етакчилик жамоа аъзоларига таъсир этиш жиҳатидан психологик жараён бўлса, бу таъсирининг ҳатти-ҳаракатларда намоён бўлиши, яъни мақсадга эришиш йўлидаги мулоҳазакорлик, топқирлик, ўз орқасидан эргаштира олиши, тарбиялашни уддалай олиши эса лидерликнинг педагогик кўринишидир.

Оилада лидер болани тарбиялашнинг бирмунча мураккаблиги шундаки, ҳар бир ота-она учун ўзининг фарзанди энг кучли, энг ақлли бўлиб туюлади. Масалага объектив ёндошиш учун боланинг қобилиятларини, истакларини ҳисобга олиш муҳимдир. Лидерлик сифатининг илк кўриниши бу – кичик ёшдаги боланинг доимо диққат марказда бўлиш истагининг кучлилигидир. Бу бола доим ҳамманинг эътиборини қозонишни, доим уни макташларини, у билан доим суҳбатда бўлишларини хоҳлашади. У ўзининг кичик муваффақиятлари учун сахийларча тақдирланишини истади, доимо кўпчилик билан бирга бўлиши улар учун ҳузур бағишлайди. Мана шундай ва шунга ўхшаш

вазиятларни кузатган ота-оналар болани тўғри йўлга бошқариши, диққат-марказда бўлиш истаги-худбинликка, мақтов эшитиш истаги-такаббурлик каби нохуш иллатларнинг шаклланиб кетишига йўл қўймасликлари керак.

Оилада бола ижтимоий ҳаётга тайёрланар экан, аввало ижтимоий дунё-жамоалардаги ўз ўрнини топиш каби муаммоларни ҳам назарда тутати.

Етакчилик сифатларида “лидерлик” ва “суперлидерлик” деган тушунчалар ҳам мавжуддир. Лидерлик аввал шахснинг ўзига сўнгра бошқаларга бера оладиган таъсиридаги фазилатлардир. Суперлидерлик эса – бу раҳбарнинг ўзгаларга ташаббусларини намоиш этишларига имконият яратишдир.

Демак, оилада ота-оналар, яъни тарбиячилар болалардаги ташаббусларини намоиш этишларига шарт-шароит яратиб беришлари-лидерларни тарбиялашда асос бўлиб хизмат қилади.

Болалардаги ташаббус қўллаб-қувватланмаса, мақсадлар ойданлаштирилмаса, интилувчанликка эътибор берилмаса келажакда бундай бола жамиятда ўз ўрнига эга бўла олмайди. Унда инсонпарвалик фазилатлари йўқолиб, унинг онгида эгоцентриклик ривожланади. Ўз лидерлик қобилиятлари худбинликка, орқасидан бошқаларни салбий томонга етаклаш каби иллатлар авж олади ва ота-онасига, оиласига бўлган бефарқлик хусусияти онгида маҳкам ўрнашиб олади.

Хулоса қилиб айтганда, оилада болаларнинг лидерлик сифатларини шакллантириш авваламбор оила тарбиясининг такомиллашуви ва баркамол шахс шаклланишидаги ижтимоий омилларнинг тўғри йўналтирилганлигини амалда исботлайди. Лидерлик сифатини ўзида мужассамлаштирган шахс аввало ўз манфаатидан кўра, ўзгалар манфаатини, жамоа манфаатини олдинга суради, бу эса эркин, демократик жамиятни шакллантириш каби буюк вазифани амалга оширади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А Баркамол авлод орзуси. – Т.: 1997
2. Каримова В. Ижтимоий психология. – Т.: 2012, 116-129 б.
3. Сайидхалилов Э.А., Рахимов Б.Х., Маджидов И.У. Педагогический словарь-справочник. – Т.: 2011, издание 2-е переработанное и дополненное, 346 ст.
4. Умаров Б.М. Психология. – «Ворис-нашриёт», Т.: 2012, 210-216 б.

Раджабова Ф.Р., Бобокулова М.Н. Оилада болаларнинг лидерлик сифатларини тарбиялаш. // «Интеллектуал салоҳиятли иқтидорли ёшлар» мавзусидаги XI Республика илмий-амалий конференцияси(2014, 23-24 май). IV қисм. Самарқанд, 2014. 53-55 бетлар.